АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 3 СЕНТЯБР сешанба
№ 35 (291)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

*Азиз ватандошлар!*
*Қадрли меҳмонлар!*
*Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!*

*Бугун юртимизда катта байрам, катта тантана.*

*Роппа-роса ўн бир йил аввал биз эски мустабид тузумдан воз кечиб, мустақил, эркин ва озод йўлни танлаб олдик, демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт қуришга бел боғладик.*

*Мана шу энг улуғ, энг буюк сана билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.*

*Албатта, ўн бир йил мамлакатимизнинг кўҳна ва буюк, кўп мингйиллик тарихида бир зум, бир дақиқа, десак, асло муболаға бўлмайди.*

*Лекин ўн бир йил олдин Ватанимиз тарихининг туб бурилиш нуқтасида, ўта таҳликали ва ўта хавфли кунларда биз яккаю ягона тўғри йўлни танлаганимизни бугун ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда.*

*Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади.*

*Биз ўз озодлигимизни, ўз тақдиримизни қўлга олиб, тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўзининг маъно-моҳияти билан бир йили ўн, балки юз йилларга тенг келадиган, мураккаб ва шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтдик.*

*Биз бунинг тасдиғини, аввалambор, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликда, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, замонавий корхона ва иншоотлар, янги лицей ва коллежларимиз қиёфасида кўрамиз.*

*Биз буни одамларимизнинг, халқимизнинг дунёқараши, онг ва тафаккури ўзгариб, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик руҳи, эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамланиб бораётганида, буюк бунёдкорлик хусусиятлари яққол намоён бўлаётганида кўрмоқдамиз.*

*Бунинг тасдиғини халқаро терроризмга қарши курашда эл-юртимизнинг кўрсатаётган қатъиятига жаҳон аҳли тан бериб, дунё ҳамжамиятида ўз мустақил овозига эга бўлган Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганида кузатмоқдамиз.*

*Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар, Ўзбекистон ва ўзбек номининг жаҳон миқёсида шундай даражага кўтарилиши ва тараннум этилиши, ҳеч шубҳасиз, 11 йил олдин ҳеч кимнинг хаёлига ва ақлига сиғмасди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Қадрли юртдошлар!*

*Бутун жаҳон қаторида янги йигирма биринчи асрга қадам қўйдик.*

*Янги аср — ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир.*

*Шу билан бирга, бу шиддаткор асрда атрофимизда ва халқаро майдонда қандай янги таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди.*

*Бундай вазият барчамиздан, аввало, ҳушёрлик ва сезгирликни, тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамоҳанг бўлиб, узоқни кўзлаб яшашимизни талаб қилмоқда.*

*Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-муддаоларга эришиш — биринчи галда ўзимизга, бизнинг ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдида фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.*

*Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар — мана шундай юксак масъулиятга муносиб бўлайлик, шунинг учун курашайлик, бутун борлиғимизни шунга бахшида этайлик.*

*Яна бир бор барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги билан чин юракдан табриклайман.*

*Сизларни, азиз юртдошларим, бағримга босиб барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва тотувлик, файзу барака тилайман.*

*Озодлигимиз мангу, мустақиллигимиз абадий бўлсин!*



*«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи*

## ШАҲИДЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН КУН

Халқимиз кўп асрлик тарихи давомида не-не кунларни бошдан кечирган. Тарихимизнинг энг қора саҳифаларидан бири чор Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилишидан бошланади. Ўша кунлардан Истиқлолгача Ватан ва юрт равнақи йўлида курашган неча минглаб асл юртдошларимиз ноҳақ қурбон бўлдилар.

Халқимиз ўз фарзандларининг муқаддас номини ҳар доим азиз билиб, доимо ёдда сақлаб келади. Бу — миллатимизнинг азалий қадрияти. Мустақиллик йилларида бу қадриятимизни юксалтириш борасидаги кенг кўламли ибратли ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг белгиланиши бу савобли юмушларимизнинг энг қутлуғларидандир.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.

Эрта тонгда шаҳидлар ҳаққига Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари хиёбонда бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини кўздан кечирди.

— Мустамлакачилик сиёсати халқларни ҳар доим жабру ситам, эзилиш ва камситишларга дучор қилади, — деди Ислом Каримов музейни кўздан кечирар экан. — Халқимиз ҳам неча йиллар давомида ана шундай даҳшатли синовларни бошдан кечирди. Минг-минглаб бегуноҳ, асл фарзандлар қурбон бўлди. Ўз тарихини ҳурмат қилган халқ, миллат аждодлар ёдини доимо қутлуғ билиб, хотирасини эъзозлаб яшайди. Бу эса халқнинг ўзлигини англашига ёрдам берадиган муҳим омиллардан биридир.

Ўзаро низолар ва ноаҳиллик давлат асосини емиради, деб таъкидлади Президентимиз. Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган буюк салтанат парчаланиб кетгандан сўнг вужудга келган хонликлару амирликлар ўртасидаги келишмовчиликлар она юртимизда тараққиёт сусайишига олиб келди. Охир-оқибат муқаддас заминимиз оёқ ости бўлди. Мустабид тузум даврида халқимиз қадриятларининг топталиши, сон-саноқсиз қурбонлар берилишининг асл сабаблари ҳам ана шулардадир. Ҳар бир жараённинг сабаб-оқибатлари тўлиқ очиб берилгандагина унинг асл моҳиятини тушуниш мумкин бўлади. Шу боис, музей ишини ташкил этишда ана шу омиллардан келиб чиқмоқ керак. Токи, бугунги авлод тарқоқлик ва ўзаро низолар қандай аянчли оқибатларга олиб келишини ҳис этиб турсин.

Юртимиз, халқимиз равнақини кўролмаганлар ҳеч қачон тинч ётмаган. XX асрнинг 90-йиллари бошларида юз берган "Фарғона воқеалари" замирида ҳам айнан шундай мақсадлар ётган эди. Яратганга шукрлар бўлсинки, Президентимиз Ислом Каримовнинг қатъияти ва доно сиёсати натижаси ўлароқ бундай манфур ниятлар амалга ошишига йўл қўйилмади.

Шу ўринда мазкур музейни бунёд этиш ташаббускори шахсан Президентимиз эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бўзсув соҳилида қад ростлаган бу иншоот шарқ меъморлигининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган. Бу ерда халқимизнинг чор Россияси истилосидан мустақилликкача бўлган даврда бошдан кечирган даҳшатли жабру ситамлари, қатағонлардан шаҳодат берувчи экспонатлар жой олган. Тарихий ашёлар ўша замонлар даҳшатини яққол кўрсатиб турибди.

Музейда бўлган киши мустабид тузум фақат зиёлиларни эмас, балки оддий деҳқону чорвадор, ишчию хизматчи, борингки, жамиятнинг барча табақалари вакилларини ўз домига тортганига гувоҳ бўлади. Бу ерда миллат хотираси мужассам топганини кўради. Музейни томоша қилувчилар, хусусан, ёшлар сабоқ олиши керакки, халқимизнинг бугунги саодатли кунларга эришиши осон кечмаган. Шу боис Ватанимиз мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Музей ва унинг атрофида хотира муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўзбек мумтоз куйларининг таралиб туриши ана шундай руҳ пайдо бўлишига хизмат қилади. Чунки бу хиёбон кўнгилочар жой эмас, бутун бир халқ, миллатнинг асл фарзандлари хотирасига бўлган эҳтиром намунасидир. Бу ердаги муҳит адолат қарор топганидан дарак бериб туриши лозим. Чор Россияси армияси томонидан қириб ташланган, "қулоқлаштириш" кампанияси даврида олис ўлкаларга сургун қилинган, Сталиннинг "қатағон тегирмони"га ташланган, "ўзбек иши", "пахта иши" деб мислсиз жабру ситамларга дучор қилинган барча инсонлар ёди абадийдир.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**




*Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги ўзбек халқининг энг улуғ байрами сифатида нишонланди.*

*Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган байрам тантанасида Президент Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.*

* * *

*31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.*

* * *

*"Lotus — Buluglur" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ишга тушди.*

* * *

*29-30 август кунлари Тошкентда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги вакиллари, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талаба ва аспирантлари иштирокида "Ўзбекистон - Япония: янги ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик" мавзуида масофали видеоанжуман бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.*

* * *

*Шу йилнинг декабр ойида Финляндияда глобаллашув муаммолари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтади. Ушбу тадбир айни пайтда Йоҳаннесбургда БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича ўтаётган саммитининг давоми бўлади.*

## ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

### ТЎҚҚИЗИНЧИ МАЪЛУМОТ

2002 йилнинг ўтган даври мобайнида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларига тадбиркорлардан қонуний манфаатларининг бузилиши тўғрисида 2163 та ариза (улардан 703 таси шартномавий муносабатлар бўйича) келиб тушган. Шулардан 906 таси тадбиркорларнинг фойдасига ҳал қилиниб, 517 таси бўйича тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилди, 161 таси идоравий мансублигига қараб тегишли муассаса ва идораларга юборилди ҳамда 57 та шикоят келтирилган даъволар тасдиқланмагани туфайли эгаларига қайтариб юборилди. Шунингдек, "Ишонч телефонлари» орқали 484 та мурожаат қилиниб, шулардан 149 та мурожаат мазмуни ўрганиб чиқилган ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тегишли таъсир чоралари кўрилган. Хусусан, 335 та мурожаат бўйича ҳуқуқий мақомдаги тушунтиришлар ҳавола этилган. Таъкидлаш жоизки, 2000 йилдан ҳозирги кунга қадар Адлия вазирлиги ва унинг ҳуқуқий тузилмалари ташаббуси билан суд органлари томонидан ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган 505 нафар тадбиркор оқланди ёки уларга нисбатан қўзғатилган жиноий ишларга чек қўйилди. Адлия ходимлари томонидан судларга тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 4,18 млрд сўм қийматдаги 3165 та даъво аризалари киритилди. Шу йилнинг 1-ярмида оила пудратчилари манфаатлари кўзланган ҳолда судларга 225,2 млн сўмлик 1408 та даъво аризаси киритилгани ҳам алоҳида эътиборни жалб қилади. Бундан ташқари, қонунбузарликка йўл қўйган 272 нафар давлат ҳокимияти, назорат қилувчи, хўжалик ва корхоналар ҳамда мансабдор шахслардан 345,8 млн сўм миқдорда моддий ва маънавий зарар, яъни бой берилган фойда суд ёрдамида ундириб олинди. Шунингдек, адлия идоралари томонидан тегишли идораларга жами бўлиб 1105 нафар тақдимнома ва 32 нафар огоҳлантириш хати киритилган. Уларнинг ижроси масаласи билан боғлиқ 788 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган бўлиб, шундан 106 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

2001 йилда Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган 5,107 нафар тадбиркорга махсус саволнома билан мурожаат қилинди. Булардан 2272 нафарини (44,5 фоиз) якка тартибдаги тадбиркорлар 755 нафарни (14,8 фоиз) кичик корхоналар, 526 нафарни (10,3 фоиз) микрофирма, 420 нафарни (8,2 фоиз) ўрта бизнес субъектлари, 1134 нафарни (22,2 фоиз) бошқа турдаги тадбиркор субъектлари ташкил этди. Сўров натижасига қараганда, текширув пайтида тадбиркорлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилингани ачинарли ҳоллардан биридир. Жумладан, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 1811 нафари (35,5 фоиз) давлат рўйхатидан белгиланган муддатда ўтказилмаган. Масалан, уларнинг 902 нафари (15,7 фоиз) 1 ой, 335 нафари (6,6 фоиз) 2 ой, 285 нафари (5,6 фоиз) 3 ой, 190 нафари (3,7 фоиз) 6 ой, 110 нафари (2,2 фоиз) 1 йил, 89 нафари (1,7 фоиз) 1 йилдан кўпроқ муддат ичида давлат рўйхатига олингани қайд этилган. Бундан ташқари, маҳаллий давлат идоралари томонидан турли хил жамғарма ва тадбирларга тадбиркорларнинг маблағлари мажбурий равишда жалб қилинган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш амалдаги қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган бўлса-да, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятига ноқонуний равишда аралашиш ҳоллари ҳам учрайди. Сўровда бундай текширишларнинг 739 таси солиқ, 395 таси давлат санитария эпидемология, 276 таси ёнғинга қарши кураш, 146 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва 132 таси бошқа идоралар томонидан ўтказилгани ишончли маълумотлар орқали баён этилган. Қонунга кўра текширишлар бир йилда бир марта ўтказилиши лозим. Лекин бу тартибга ҳам риоя этмаслик ҳоллари учрайди. Масалан, сўралган тадбиркорларнинг 1055 нафари бир йилда 2 марта, 588 нфари 3-5 марта, 197 нафари 6-10 марта, 156 нафари 10 мартадан кўп текширилгани кишида таассуф уйғотади. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, 1512 та ҳолатда текширувчилар текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тадбиркорга танишиш учун тақдим этмаган ҳоллар ҳам содир бўлган.

Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари 972 та ҳолатда жиноят иши қўзғалишга бирон сабаб мавжуд бўлмаса-да, тадбиркорлар фаолияти бўйича текширув ўтказиб, хизмат идораларига чақирилган. Шунингдек, норасмий шахслар томонидан тадбиркорлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан қўрқитиш ва бошқа турдаги тазйиқ ўтказиш ҳолатлари ҳам тадбиркорларнинг иш фаолиятига тўсқинлик қилмоқда. Ангрен шаҳрида фаолият кўрсатаётган 353 нафар тадбиркор ўртасида сўров ўтказилганда, уларнинг 105 нафарини (29,7 фоиз) давлат рўйхатидан ўтказиш муддати кечиктирилгани аниқланди. Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 121 нафари (34,2 фоиз) давлат рўйхатидан ўтиш, лицензия олиш, ҳисобот топшириш, ер ажратиш, кредит олиш, экспорт ва импорт тадбирлари ўтказиш ва бошқа ҳолларда қонунда кўзда тутилмаган ҳужжатлар талаб этилганини таъкидлашди. Бундан ташқари, Бекобод Бўстонлиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Тошкент, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Зангиота ва Оҳангарон туманларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга сўровнома асосида мурожаат этилганда ҳам худди шунга ўхшаш тўсқинлик қилиш ҳолатлари учрайдики, бу эса тадбиркорлар фаолиятини сусайтириб, унинг келажагига нисбатан ишончсизлик билан қараш кайфиятини уйғотади. Шунинг учун ҳам бундай камчилик ва нуқсонлар ўз вақтида ижобий ечимини топса, тадбиркорлик фаолиятининг тараққиёти таъминланади. Демак, бундай иллатларга муросасиз бўлиш, уларни бартараф этишга астойдил киришиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Райим ТОШБОЕВ,**
**Адлия вазирлигининг масъул ходими**

Tahlil ko`zgusi

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**Газетанинг 2002 йил 6 август сонида чоп этилган "Ким ҳақ-у, ким ноҳақ?" сарлавҳали мақола вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан атрофлича муҳокама этилди, унда қайд қилинган барча ҳолатлар адолатли ва ўринли деб топилди. Мухбир тўпланган ҳужжатларга тўғри ҳуқуқий баҳо бера олган. Мақола таъкидланганидек, вилоят адлия бошқармаси даъво аризаси билан чиққан ва ушбу иш юзасидан қонуний тўхтамга келиш учун тегишли идораларга процессуал ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда мурожаат этади.**

**Иш ҳолати бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:**

**Вилоят адлия бошқармаси томонидан Китоб тумани "Зарафшон" қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳудудида жойлашган "Чамбил" фермер хўжалиги раиси бўлиб ишлаётган Шаропов Акбарали манфаатини кўзлаб, жавобгар — "Зарафшон" қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)дан ерни қайтариб олиш, 200 минг сўм моддий ва 200 минг сўм маънавий зарарни ундириш, ҳамда 2001 йил 29 ноябр кунидаги Ж.Ҳакимов, 2001 йил 18 сентябр кунидаги А.Пўлатовлар билан ноқонуний тузилган ички хўжалик шартномаларини бекор қилиш ва ширкат хўжалигининг 2001 йил 20 ва 23 ноябр кунидаги Кенгаш аъзоларининг йиғилиш қарорларини бекор қилиш ҳақида судига даъво аризаси билан мурожаат этган. Ушбу даъво аризаси Шаҳрисабз туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида кўрилган. Ишни 2002 йил 9 июл кунида суд жараёнида кўриб, даъвони асоссиз деб топиб, уни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.**

**Шаҳрисабз туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2002 йил 9 июл кунидаги қабул қилган ҳал қилув қарори юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг апелляция судлов ҳайъатига фуқаролик иши юзасидан даъвони рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини асоссиз ва қонунга хилоф равишда қабул қилинган деб ҳисоблаб, қарорни бекор қилиш, даъвогарларнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраб апелляция шикояти киритилган.**

**Ғайбулла САФАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

Saboq

## ҚЎЙМАГАН ҲАҚ

Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг дадил қадами ҳар бир кишини қувонтиради. Энг муҳими, бу соҳанинг иқтисодиётимиздаги салмоғи тобора ошиб бораётгани келажакка ишонч билан қарашга замин яратмоқда. Айниқса, кўп тармоқли хўжаликларнинг сони кўпайиб бораётгани янада қувонарлидир. Оқ-олтин туманидаги С. Сиддиқов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Наргиз" фермер хўжалиги мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Уни тумандаги намунавий фермер хўжалиги деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Шуни айтиш керакки, "Наргиз" фермер хўжалигига 68 ёшли серғайрат тадбиркор отахон Саидбурҳон Муҳитдинов бошчилик қилмоқда. Айнан отахоннинг деҳқончиликка бўлган меҳри ва тадбиркорлиги туфайли хўжалик кўп тармоқли бўлиб бормоқда. Хўжалик бу йил 64 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпти. Шундан 20 гектардаги ғалла ҳосили ўриб-йиғилиб, дон сотиш режаси ошириб бажарилди. 24 гектардаги ғўзанинг ҳам авжи яхши, яна 20 гектарга экилган бедадан мўл пичан ўриб олинмоқда.

Фермер хўжалиги қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, бунинг учун кичик қўшма корхоналар очиш, нотўқима материаллар ишлаб чиқариш цехини қуриш, тижорат ишларини йўлга қўйишни режалаштирган. Хўжалик ихтиёрида "КамАЗ", "ЛИАЗ" ва "МТЗ-80" маркали автомашина ҳамда тракторлар мавжуд. Молиявий аҳволини яхшилаш учун транспорт хизмати ҳам йўлга қўйилган. Ана шу транспорт воситалари билан ҳар йили "Оқолтин" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига хомашёни ташиб олиш учун хизмат кўрсатиб келинмоқда. Фермер хўжалиги ва пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 2000-2001 йилда ҳам юк ташиш бўйича шартнома ҳам тузилган. Фермер хўжалиги ўз иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш учун шу ишга қўл урган ва шартномани тўла бажарган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Huquqiy ma'rifat

# ДАЪВОДАН ВОЗ КЕЧИШ

Хўжалик судларида даъвогар — хўжалик процессининг субъектларидан бири сифатида хўжалик низоларини кўриб чиқиб, ҳал этишда ўзига хос ўринга эга. Бинобарин, жавобгар билан бир қаторда даъвогар ҳам хўжалик ишининг натижасидан энг кўп манфаатдор шахсдир.

Тараф сифатида даъвогар Хўжалик процессуал Кодексининг 35-моддасига мувофиқ иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важлари, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътирозлар билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш, ХПКнинг 40-моддасига асосан хўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ёхуд даъводан воз кечишга ҳақли.

Қайд этилган даъвогарга тегишли ҳуқуқлар ичида даъводан воз кечиш ҳуқуқи алоҳида ўрин тутади. Хўш, даъвогар қандай ҳолда ва тартибда ўз даъвосидан воз кечишга ҳақли? Бу қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

ХПКнинг 40-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, даъвогар хўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар воз кечишга ҳақли. Даъвогарнинг ўз даъвосидан воз кечиши факти хўжалик суди томонидан атрофлича ўрганилади. Бунда қуйидаги икки ҳолатга эътибор қаратилади: **биринчидан,** даъводан воз кечишнинг қонун ҳужжатларига хилоф эмаслиги, **иккинчидан,** даъводан воз кечишнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги.

Ана шу икки масала бир вақтнинг ўзида ижобий ҳал этилса, даъвогарнинг ўз даъвосидан воз кечиши хўжалик суди томонидан қабул қилиниб, ХПКнинг 86-моддаси 6-бандига асосан даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилади. Хўжалик суди ХПКнинг 87-моддасига мувофиқ иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айни бир шахс ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Даъводан воз кечилиши муносабати билан даъво ариза бўйича иш юритиш тугатилган тақдирда, даъвогар томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди.

Агар қайд этиб ўтилган икки масала ижобий ҳал этилмаса, яъни даъвогарнинг ўз даъвосидан воз кечиши қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, бундай ҳолларда хўжалик суди даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилмайди ва хўжалик ишини мазмунан кўриб чиқади.

Баъзи ҳолларда даъво аризаси даъвогар манфаатлари кўзланган ҳолда прокурор ёки давлат идораси ва бошқа идоралар томонидан тақдим этилган бўлиши мумкин. Хўш, бундай ҳолларда даъводан воз кечиш қандай тартибда амалга оширилади ва бу қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

ХПКнинг 43-моддасига асосан прокурор ўз даъвосидан воз кечиши мумкин. Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарнинг ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Яъни прокурор даъводан воз кечган тақдирда ҳам даъвогарнинг ишни мазмунан кўриб чиқиш тўғрисидаги талаби билан хўжалик ишини кўриб чиқиш давом эттирилиши мумкин.

Даъвогар прокурор томонидан тақдим этилган даъво аризасидан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда прокурор томонидан тақдим этилган даъво ариза кўрмасдан қолдирилади. Гарчи даъво ариза кўрмасдан қолдирилган бўлса-да, ХПКнинг 89-моддасига асосан даъвогар умумий тартибда хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат этиши мумкин.

ХПКнинг 44-моддасига асосан давлат идораси ва бошқа идоралар хўжалик судига тақдим этилган ўз даъволаридан воз кечишлари мумкин.

Шуни эътироф этиш лозимки, даъводан воз кечишда жавобгар томонидан бирор-бир муқобил ҳаракат қилиниши талаб этилмайди. Агар даъводан воз кечиш ҳуқуқи жавобгарнинг бирор бир муқобил ҳаракат бажариши натижасида амалга оширилса, даъвогарнинг ҳаракати даъводан воз кечиш бўлиб ҳисобланмайди, чунки бу ўринда келишув муносабати англашилиб турибди.

ХПКнинг 40-моддаси 1-қисмига эътиборни қаратсак, даъвогар ўз даъвосидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар воз кечиши мумкин. Демак, даъвогар ўз даъвосидан воз кечиш ҳуқуқини биринчи инстанцияда амалга оширишга ҳақли. Шу ўринда савол туғилади: хўш, даъвогар апелляция, кассация инстанцияларида ўз даъвосидан воз кечишга ҳақлими? Шуни эътироф этиш лозимки, апелляция инстанциясида апелляция шикояти, кассация инстанциясида эса кассация шикояти билан боғлиқ масала ҳал этилишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўринда даъвогарнинг даъводан воз кечиши ҳақида фикр юритилишининг ўзи мақсадга мувофиқ эмас.

Апелляция (кассация) шикоятидан воз кечиш, кассация протестини чақириб олиш тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, ХПКнинг 165-моддасига асосан апелляция шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Агар апелляция шикоятидан воз кечиш қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, апелляция инстанция суди апелляция шикоятидан воз кечишни рад этиб, ишни апелляция тартибида кўриб чиқади.

Суд шикоятдан воз кечишни қабул қилганда, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади ва бу тўғрида ажрим чиқаради.

ХПКнинг 184-моддасига мувофиқ кассация шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Агар кассация шикоятидан воз кечиш қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, кассация инстанция суди кассация шикоятидан воз кечишни рад этиб, ишни кассация тартибида кўриб чиқади.

Протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд кассация шикоятидан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, кассация инстанциясида иш юритишни тугатади ва бу тўғрида ажрим чиқаради.

Бугунги кунда бундай процессуал институтларни назарий томондан кенгроқ таҳлил этиш ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш қонунлар тарғиботи самарадорлигининг ошиши ва жамиятда ҳуқуқий маданият муҳитининг кенгайишига имконият яратади.

**О. РАЖАБОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*«Қатағон қурбонлари хотираси» музейидан бир кўриниш*

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

# ИСМ-ШАРИФ ҚАЧОН ЎЗГАРТИРИЛАДИ?

Оила Кодекси 226-моддасида 16 ёшга тўлган шахслар узрли сабаблар бўлган тақдирда фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартириши мумкин эканлиги белгиланган.

Бироқ ҳозирги пайтда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхати эмас, балки уларнинг баъзи бирлари кўрсатилган, холос.

Жумладан, бундай сабабларга:

1) агар фамилия, исм ва ота исми эшитилишида ёқимсиз бўлиши;

2) агар фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;

3) хоҳишга қараб, никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтиш истагининг туғилиши;

4) оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);

5) 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига асосан (ушбу моддага кўра, Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исми, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадир);

6) ФҲДЁ идораси томонидан узрли деб топилган бошқа асослар киради.

Бундан ташқари, мураккаб бўлган фамилия (масалан, Саидабрормусахўжаев, Каримхўжамаҳмуд) ва исмларни соддалаштиришни хоҳловчи фуқароларнинг илтимоси ҳам асослидир.

Шу билан бирга ФҲДЁ идораси фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришда зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхатини заруратга қараб аниқлаши мумкин. Масалан, 16 ёшга тўлган шахснинг хунук эшитилиши туфайли фамилияси, исми ва ота исмини ўзгартириш тўғрисида ёзган аризасига туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва далолатнома ёзувини илова қилиш етарлидир. Агар қайд этилган фамилия, исм, ота исми каби ўзгартиришлар киритиладиган далолатнома ёзуви йўқолган, сақланмаган ҳолларда фамилия, исм, ота исми далолатнома ёзуви тиклангач амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 16 ёшга тўлган шахснинг фамилия, исм, ота исмининг ўзгартирилиши, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида ота-она ёзилган устунга таъсир қилмайди. Масалан, Ҳусанов Бахтиёр Олимович фуқаролар Сатторов Умиджон Тўраевич ва Фозилова Лобархон Боқиевналар қарамоғида яшаб келиб, уларнинг фамилиясида бўлиш истагини билдириб, Сатторов Бахтиёр Умиджонович тарзида ўз фамилияси ва ота исмини ўзгартирсада, аммо туғилиш гувоҳномасининг ота-онаси қисмида аввалги ота-онаси тўғрисидаги маълумотлар сақлаб қолинади. Агар бу шахс фарзандликка ўтишни хоҳлаб, 18 ёшга тўлгангa қадар фарзандликка олиш ҳақида ҳоким қарори қабул қилинсагина ота-она қисмида ҳам янги фарзандликка олганлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш давлат божлари ундиришда ҳам турли хил кўринишларга дуч келиш мумкин. Ваҳоланки, қонунга кўра, 17-18 ёшдаги шахслардан минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, 18 ёш тўлгандан кейин эса минимал иш ҳақининг бир баробари миқдорида бож ундирилиши қонунда белгиланган.

Кези келганда яна бир муҳим ҳолат тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Оила Кодексининг 226-моддаси 2-қисмига кўра, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ФҲДЁ идораси хулосаси ички ишлар идоралари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкинлиги таъкидланган. Бундай текширишларни ўтказиш учун ички ишлар бўлимига 30 кун муддат берилган. Шу муддатда ички ишлар идораси ўзининг ижобий ёки салбий хулосасини бериши шарт. Агар шахс терговда ёки судланган бўлиб, судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд бошқа салбий ҳолатларда ички ишлар идораси рад хулосаси бериши мумкин. Судланганлик олиб ташлангач, шахсга фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришга рухсат берилиши мумкин. Афсуски, ички ишлар бўлимлари томонидан бундай туркумдаги ишларга совуққонлик билан қараш, белгиланган 30 кунлик муддатга ФҲДЁ идораларига хулосани юбормаслик ёки хулоса ўрнига шунчаки билдириш хати ёки эътироз йўқлиги ҳақидаги билдиргилар юборилиши ҳоллари учраб туради. Ички ишлар бўлимининг хулосасини (ижобий тарздаги) олгач, ФҲДЁ идораси мудири шахснинг аризасини қаноатлантириш ҳақида хулоса тузади ва тегишли давлат божи тўловларини ундириб, далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритади ҳамда янги гувоҳнома беради.

Кўрсатиб ўтилган талаблар фақатгина узрли сабаблар бўлгандагина амалга оширилади.

Biz bilgan va bilmagan tarix

# ҚАТАҒОН ДАҲШАТИ

***Истиқлол йилларида жамиятимизда тарихий адолатни тиклаш, Ватан озодлиги йўлида ўз азиз жонларини фидо этган юртдошларимиз номини эъзозлашга қаратилган бир қанча эзгу ишлар амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг очилгани Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бошланган улуғ савоб ишларнинг изчил давом этаётганидан далолатдир. Бу қутлуғ масканга қадам қўйган ҳар бир инсон қалби, аввало, тенгсиз жасорат ва чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатган аждодларимиз фидойилигидан ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади. Ва, ҳеч шубҳасиз, бугунги озод кунларимиз қадр-қимматини чин дилдан ҳис этади. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.***

***Таниқли журналист Холида АҲРОРОВАнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласида бир оила қисмати мисолида халқимиз бошига тушган бахтиқароликлар, айбсиз айбдор этилган инсонлар кўргуликлари ҳақида ҳикоя қилинган.***

Мустақиллик йилларида эшиклари очилган ҳужжатгоҳларда ўзим дуч келган сир-синоатлар — чор Россияси ва шўро истибдоди даврида халқимизнинг бошига тушган жабру жафолар худди ҳужжатли кинодаги лавҳалар мисол кўз ўнгимдан лип-лип ўтади. Айниқса, «Труд» газетасининг 1992 йил 4 июн сонида чоп этилган 1937 йили қайси республика ёки ўлкадан қанча киши отувга қатағонга дучор этилиши ҳақидаги кўрсатмалар тўғрисида ўйлаганда, қўрқувдан юрак орқага тортиб кетади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, собиқ шўролар мамлакатидаги республикалар, област ва ўлкалар бўйича қатағон қилинажак кишилар сони олдиндан белгиланган экан. Бу масалада тайёрланган ҳужжатнинг иккинчи бобида кўрсатилишича, қатағонга дучор этилаётган қулоқлар ва бошқа аксилинқилобий унсурлар икки туркумга бўлинган. Масалан, биргина Озарбайжондан биринчи туркумда 1500 нафар одам, иккинчи туркумда 3750 нафар одамнинг қатағонга йўлиқтирилиши кўзланган.

Бу ҳужжатлар билан танишган ҳар бир одам беихтиёр даҳшатга тушади. Рўйхатнинг биринчи туркумда 73850 нафар, иккинчи туркумда 224400 нафар одамнинг отилиши ва қамаб юборилиши кўрсатилган эди. Бу қора рўйхатга тушган 66 та республика, област ва ўлкадан ҳаммаси бўлиб қанча одам қатағонга дучор этилганини ҳисоблаб чиқишга юрагим дош бермади. Энг даҳшатлиси, мустабид тузум даврида бундай мудҳиш кўрсатмалар бир эмас, балки ўнлаб марта қабул қилинган. Юз минглаб бегуноҳ инсонлар қатағон гирдобига тортилган.

Мен танишган маълумотларда, хусусан, қуйидагилар таъкидланади:

**«III-ОПЕРАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:**

1. Операция 1937 йилнинг 5 августида бошланиб, тўрт ой ичида тамомлансин...

Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ССРда шу йилнинг (яъни 1937 йилнинг) 10 августида, Шарқий Сибир области, Красноярск ва Узоқ Шарқ ўлкасида шу йилнинг 15 августида бошлансин..."

Бу машъум воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳужжатларга эътибор қилинадиган бўлса, ҳамма-ҳаммасига "халқлар отаси" бўлмиш Сталин бошқош эканлиги маълум бўлади.

**«БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК (большевиклар) ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА**

**№1151 3 июн 1937 йил**
**Ўрток ЕЖОВГА**
**Обкомлар, ўлкаларнинг котибларига**
**Марказий Комитет Сиёсий Бюроси**
**51 рақамли қароридан кўчирма**
**1937 йилнинг 2 июлидаги қарор**

**94. СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ДУШМАН УНСУРЛАР ТЎҒРИСИДА**

**Область, ўлка Марказий Комитетлари котибларига қуйидаги телеграммалар жўнатилсин:**

**Бир вақтлар турли обл**а**стлардан шимолий ва Сибир районларига сургун этилган, кейинчалик сургун муддати ўтгач, юртларига қайтган собиқ қулоқлар ва жиноятко**р**ларнинг кўпчилик қисми колхоз ва совхозларда ҳамда транспорт ва саноатнинг баъзи соҳаларида советларга қарши кўпорувчилик жиноятларини бошлаб берувчи бўлаётганлари сезилмоқда.**

**ВКП(б) Марказий Комитети област, ўлка ҳамда республика ИИХК вакилларига ватанига қайтган барча қулоқлар ва жиноятчиларни ҳибсга олмоқлари, уларнинг ичидаги ашаддий душманлар учлик тарафидан текширилиб, отиб ташланиши зарур, бундайроқлари эса ҳибсга олиниб, ИИХК кўрсатган ҳудудга сургун қилинмоғи жоиз.**

**ВКП (б) Марказий Комитети учлик таркибини, шунингдек, отиб юборилувчи ҳамда бадарға этилиши белгиланганларнинг сонини беш кун ичида Марказий Комитетга хабар қилишни талаб этади.**

**МК бош котиби**
**И.СТАЛИН»**

Ушбу ҳужжатлар билан танишар эканман, беихтиёр ўзим илгари танишган бир "иш" ёдимга тушди. Бу Тошкент вилояти, собиқ Оржоникидзе тумани ИИХК туман бўлими ходими томонидан 1938 йилнинг 18 январида Муқимжон Иноғомжонов ҳақида очилган жиноий иш эди. Уни ўрганган чоғимда фикру хаёлимни чулғаб олган саволларга юқорида келтирилган қаттол ҳужжатлардан жавоб топгандек бўлдим. Бор-йўғи 17 бетдан иборат бу жиноий ишнинг биринчи бетида қамоққа олиш ҳақида қарор жой олган. Уни қамаш ҳақидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади: 1931 йилда қулоқ қилиниб, Украинага сургун этилган Муқимжон Иноғомжонов сургундан қочиб келиб, Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида яшириниб юрган ва аҳоли орасида шўроларга қарши тарғибот олиб борган. Сўнгра ЎзССР Жиноят мажмуасининг 66-моддаси 1-банди билан жавобгарликка тортишга қарор қилинади.

Қатағон тегирмонининг ғилдираги шу йўсин айлантириб юборилади. Орадан икки кун ўтиб, яъни 1938 йилнинг 20 январида "иш"га қишлоқ шўроси тарафидан лотин алифбосида битилган маълумотнома тиркалади. Бунда зикр этилишича; Муқимжон Иноғомжоновнинг 4 гектар ери, от-араваси ва баққоллик дўкони бўлиб, киши кучидан фойдалангани учун 1931 йилда қулоқ қилиниб, Украинага сургун этилган. У ердан қочиб келиб, Тошкентда юради, ҳар замон Қибрайга ҳам келиб қолади. Тошкентда нима иш қилиши маълум эмас...

Ушбу сатрларни ўқир эканман, Муқимжон Иноғомжоновнинг ёши эллик олтидалигини, уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланган, саводсиз ва ҳунарсиз хотини, Хайринисо исмли ўн уч ёшар қизи, Абдулла исмли ўн икки яшар, Убайдулла исмли ўн бир яшар ҳамда Ҳабибулла исмли бир яшар ўғиллари бўлганини эслайман-да, маълумотномадаги битиклар ҳақида фикр юритаман. Жўжабирдай жон бўлган бу оилада ерга ишлов берадиган одам бўлмаса, ерни ташлаб қўйиши керакми ёки қай йўл билан бўлса-да, иш ҳақини тўлаб, кимнингдир кучидан фойдаланса-да, тирикчилигини ўтказгани дурустми?

Ўн етти саҳифадан иборат бу жиноий ишнинг якуни ўлароқ, беш фарзанднинг отаси Муқимжон Иноғомжонов 1938 йилнинг 8 февралида отувга ҳукм қилинади ва отиб юборилади. Беш норасида етим бўлди, эндигина ўттиз олтига кирган аёл бева қолди. Бошқача айтганда, шу йўл билан бир оиланинг ёстиғи қуритилади.

Лекин бу азобларнинг охири кўринмасди. Муқимжоннинг жазога тортилиши туфайли унинг отаси Иноғомжон Иброҳим ўғли нақ жаҳаннам азобига тушиб қолади: отахоннинг тўнғич ўғли Орифжон оиласи билан Украинага сургун қилинди ва ўша ёқда 1932 йилда эллик бир ёшида бир бурда нонга зор бўлиб, очликдан ўлиб кетди. Орифжоннинг ўзи тузум азобидан ўлиб қутулиб кетгани билан унинг беш нафар ўғли урушда жон олиб, жон беришди. Кенжа ўғли Зайниддин урушда ҳалок бўлди, иккинчи ўғли Мусажон бўлса, ногирон бўлиб қайтди. Отиб юборилган Муқимжоннинг тўнғич ўғли Мустаҳкам урушда ҳалок бўлди, Акромжон эса ногирон бўлиб қайтди. Лекин ёшлиги туфайли урушга бормаган набира ўғлонлар эса амакиларининг касрига қолиб, ҳаётда кўрмаган жабр-жафолари қолмади: ўзлари истаган ўқишга ҳам кириша олишмади, севган касбни ҳам эгаллай олишмади.

Энг даҳшатлиси, уларнинг бўйнига «халқ душмани»нинг фарзандлари деган тавқи лаънат тиркаб қўйилган эди.

Фақат она Ватанимиз озодликка эришгач, жамиятимизда тарихий адолатни тикланиши, мустабид тузум даврида шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилиши, энг аввало, ана шундай минглаб кўнгли ўксик оилаларга ёруғлик бағишлади.

Энг муҳими, Ватан озодлиги йўлидаги ҳар бир саъй-ҳаракат, фидойилик ҳеч қачон изсиз кетмаслиги ўз исботини топди.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Jahon tajribasi

# АҚШ: СУД ҲОКИМИЯТИ

Суд ҳокимиятининг мустақил ҳолда фаолият юритиши ҳуқуқий демократик жамият тараққиётининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатларда муайян тажрибалар тўпланган. Ривожланган давлатлардан бири бўлган АҚШ суд тизими ўзига хос тузилишга эга.

Конституцияга мувофиқ АҚШнинг учинчи ҳокимияти суд тизимидир. Америка суд тизими фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, АҚШ суд тизими яна бир неча автоном суд тизимига бўлинади. Бошқача айтганда, мамлакатда ҳар бир штатнинг федерал суд тизимида алоҳида уюшган, параллел суд тизими мавжуд. Бутун мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатувчи федерал судлар АҚШ Конституцияси ҳуқуқ доирасига тегишли ва федерал қонунларга биноан суд идорасига қарашли бўлган ишлар кўрилади. Штат судлари федерал судлари билан уюшмаган, яъни боғлиқ эмас. АҚШнинг Олий суди ва бошқа федерал суд органлари штат судлари устидан ҳеч қандай маъмурий назоратни амалга оширмайди. Федерал суд тизими штат суд тизими каби пирамида тамойили асосида қурилган. Федерал даражасида ҳам, штат даражасида ҳам биринчи инстанция судларида кўриладиган ишлар пирамиданинг қуйи қисмини ташкил қилади. Пирамиданинг юқори қисми охирги инстанциядан иборат. Федерал даражадаги суд бу АҚШнинг Олий суди бўлса, штат даражасидагиси штат Олий судидир. Федерал суд тизимини АҚШ Олий суди бошқаради. Олий суд биринчи инстанция бўйича икки ёки ундан ортиқ штатлар ўртасидаги баҳсли, низоли масалалар, даъволар, элчилар ва хорижий давлатлар расмий вакилларининг ишларини кўриб чиқади. АҚШ Олий суди раис ва саккиз нафар аъзодан иборат. Яъни аъзолар сони тўққиз кишини ташкил этади — бу 1989 йилда Конгресс томонидан белгиланган. Унинг асосий вазифаси қуйи федерал судлар ва штат судлари қабул қилган қарор юзасидан келган шикоятларни (агарда улар федерал масалаларга алоқадор бўлса), шунингдек, АҚШ Конституцияси, бирор-бир штат қонунлари ёки мамлакат Конгресси актларига зид бўлган ҳар қандай поғонадаги суд қарорларини бекор қилишдан иборат.

Федерал судлар вертикал шаклидаги уч даража бўйича тузилган: қуйи даражани округ суди ташкил қилади. Мамлакатнинг округ федерал судлари — умумий юрисдикция биринчи инстанция судлари, яъни бу судлар жиноят ва фуқаролик саволлари бўйича ишларни кўриб чиқади. АҚШда 94 та федерал суд округлари мавжуд. Шунингдек, ҳар бир штатда ҳеч бўлмаганда битта округ суди бор. Аҳоли зич бўлган штатларда 2 тадан 4 тагача округ судлари фаолият кўрсатади. Судьяларнинг сони эса ҳудуднинг катта-кичиклиги ва аҳоли сони ҳамда ҳар биринчи инстанция округ суди иш сонининг мувофиқлигига боғлиқ. Уларнинг ҳар бирида 2 нафардан 27 нафаргача судья ишлайди. Ишлар фақат бир нафар судья раислигида кўриб чиқилади.

Федерал судларининг ўрта даражасини АҚШ округ федерал апелляция судлари ташкил этади. Агар ютқазган томон округ судининг судьяси қарорни қабул қилишда хатога йўл қўйган деб ҳисобланган тақдирда апелляциялар округ судидан апелляция судларига йўналтирилади. Апелляция судлари 12 та минтақани қамраб олган. Уларнинг биттаси Колумбия федерал округида, 11 таси эса ҳар бири 3-10 та штат ҳудудини қамраб олган округ судлари бўлиб, расмий рақамларига эга. Апелляция судида судьялар сони аҳоли сони ва минтақанинг катта-кичиклигига боғлиқ. Ҳар бир апелляция судининг таркиби 4-23 нафар судьядан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир иш қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинган, таркиби уч нафар судьядан иборат суд томонидан кўриб чиқилади.

Федерал суд тизимининг юқори қисмини АҚШ Олий суди ташкил қилади.

Бошқа федерал судларининг сон таркиби Конгресс томонидан белгиланади. Федерал судларининг аъзолари Сенатнинг маслаҳати ва розилиги билан Президент томонидан тайинланади ва ўз лавозимини узоқ йиллар эгаллаб туради. Федерал судьяларнинг ишдан бўшатилиши фақат импичмент орқали амалга оширилади.



Қоидага биноан, федерал судлар доирасида алоҳида саволларни кўриб чиқиш учун махсус судлар ташкил этилмайди. Бироқ бунда иккита муҳим бўлган мустасно мавжуд:

1) Америка Қўшма Штатлари қонунларига хилоф бўлган молиявий даъвони кўриб чиқувчи — Федерал Даъво суди;

2) Америка Қўшма Штатлари қонунларига хилоф бўлган фуқаролик ишлари бўйича қарорларини кўриб чиқувчи ва қарор чиқарувчи — Халқаро савдо бўйича АҚШ суди.

Шунингдек, битта махсус федерал апелляция суди мавжуд. Бу суд Федерал Даъво суди ва халқаро савдо бўйича АҚШ судларидан апелляция бўйича юриссдикцияга эга бўлади.

Ҳар бир штат, шунингдек, Колумбия округи ўзининг мустақил фаолият юритувчи суд тизимига эга. Аксарият штатларида биринчи инстанция суди (баъзан биринчи судлар деб номланувчи округ судлари ёки минтақавий судлар), апелляция суди ва охирги инстанция судидан (одатда, Олий суд дейилади) иборат уч даражага бўлинган суд тизими бор. Федерал суд тизими каби бу ерда суд ишлари битта судьянинг раислигида олиб борилади (кўпинча қасам ичган ҳакамлар иштирокида). Биринчи инстанция судининг қарори бўйича апелляцияни учта судьядан таркиб топган суд кўриб чиқади.

Штатларнинг Олий судида ишлар мамлакат Олий судининг ҳамма аъзолари билан кўриб чиқилади. Одатда уларнинг таркиби 7-9 кишидан иборат бўлади. Аксарият штатларда судья вазифасига сайлов билан тайинланади. Судьялар партиянинг рўйхати бўйича аҳоли томонидан сайланади. Аксарият штатларда Олий судлар судьялари ва апелляция судьяларини сайлаш губернатор томонидан Сенат ёки бошқа қонун чиқарувчи органлар розилиги билан 6-15 йил муддатга, кўп ҳолларда эса қайта тайинлаш ҳуқуқи билан амалга оширилади. Бошқача айтганда, АҚШда судьяларнинг танлаб олиниш тартиби штатларга боғлиқ.

**Зиёдулла МУКИМОВ,**
**юридик фанлар доктори**

